

## Аллоҳ таоло бепарво қалбнинг дуосини ижобат қилмайди



11:08 / 26.06.2021 2396

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

نَاعِدُ إِذَا رَعَدْنَا بِعِزِّهِمْ وَأَوْبِيحُتْ سَيَلْفِ  
نُؤْشِرِي مَلْعَلِ يَبِ اُونْمُؤِيْلَوِ يَلِ اُوْبِيحُتْ سَيَلْفِ

**“Қачон бандаларим сендан Мен ҳақимда сўрасалар, бас, албатта, Мен яқиндирман. Дуо қилувчи Менга дуо қилганда, дуосини ижобат қилурман. Бас, Менга ижобат қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шоядки, тўғри йўлни топсалар” (Бақара сураси, 186-оят)**

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўзига дуо қилган бандаларининг дуосини ижобат қилишини баён этапти. Дуо ибодатдир.

Имом Абу Довуд ва Термизий Нўъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Дуо айни ибодатдир», дедилар.

Имом Ҳоким Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ибодатларнинг афзали дуодир», дедилар

Баъзида дуо билан сўрашни аралаштириб юборамиз. Қўлни кўтариб “Эй Роббим, уни бергин, буни бергин” дейиш сўров дейилади. Дуо дуо қилувчининг қалби ва ташқи танаси Аллоҳ таолога юзланиб, ҳислари уйғоқ ҳолда синиқлик билан, қилган гуноҳларига тавба қилиш билан бошланадиган ибодатдир.

Дуо қилаётганда банданинг тили билан қалби боғланган бўлиши, айтаётган сўзларини қалбидан ўтказиши, берилиб, ижобатига ишониб дуо қилиш керак. Агар дуо қилаётганда қалб ғофил, хаёл бошқа жойда бўлса буни дуо деб бўлмайди.

Пул санаётганимизда хаёлимиз бошқа жойда бўлмайди. Бандадан қарз сўраётганимизда қарзни олиш фикрида бўламиз. Нега Роббимизга дуо қилаётганимизда хаёлимиз бозорда юради?! Нега берилиб, хаёлимизни бир жойга тўплаб, ихлос билан дуо қилмаймиз?!

Умар ибн Абдулазиз раҳимахуллоҳ бир кишининг ёнидан ўтиб қолдилар. У одам қўлидаги майда тошларни ўйнаган ҳолда «Эй Аллоҳ! Менга ҳури ийндан жуфт ато эт» дер эди.

Мўминларнинг амири унга қарата «Бунча ҳам ёмон нидо қилувчи экансан. Қўлингдаги тошларни улоқтириб, Аллоҳга ихлос билан дуо қилсанг бўлмайдими?! Набий соллаллоху алайҳи васаллам «Аллоҳга, дуоларингиз ижобат бўлишига ишониб туриб дуо қилинглари! Билиб қўйингларики, албатта, Аллоҳ ғофил, бепарво қалбнинг дуосини ижобат қилмайди» деганлар» деди.

Аллоҳ таоло бизни дуо қилганда ихлос билан, хаёлни жамлаб дуо қилувчилардан қилсин, барчамизни Ўзининг ҳидоятдан айирмасин ва хотимаимизни чиройли қилсин!

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**